

## ЎЗБЕКИСТОНДА ТИЛ СИЁСАТИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритиши шарофати билан ўзбек давлатчилиги ўзининг узоқ йиллик тажрибалари асосида қайтадан ривожланмоқда, одил фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бориб, демократик хуқуқий давлатга айланмоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг шу йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига асосан улкан ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бундай оламшумул туб ижобий ўзгаришлар жамиятнинг барча қатламларига, ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг ҳаётига сингиб бормоқда, одамлар қалбидан мустаҳкам ўрин олмоқда. Табиийки, бундай шароитда ҳар бир халқнинг миллий онги, интеллектуал имконияти ўсади, халқ сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маънавий жиҳатдан бойийди.

Шу ўринда биринчи Президентимиз И.А. Каримов “Юксак маънавият – енгилмас қуч” номли асарида таъкидлаганлариdek, “ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади, жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир”<sup>1</sup>. Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир халқнинг тараққиётида, унинг бошқа халқлар ва миллатлар билан алоқа алмашувида тил нихоятда муҳим ўрин тутади. Тил халқнинг мангулик сари яшаш шартидир. Тил бўлмаса, миллат ҳам, бинобарин, миллий давлатчилик ҳам бўлиши амри маҳол. Айтиш мумкинки, тил ва халқ — жон ила тандир.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас қуч. –Тошкент: Маънавият, 2008, 83-бет.

Шунинг учун ҳар бир халқ ўз тили тараққиёти учун қайғуради, унинг истиқболи учун курашади.

Биламизки, ҳаёт ва жамият бир жойда тўхтаб турмайди, айниқса, шиддат билан тез ривожаланаётган бугунги халқаро глобаллашув шароитида, Ўзбекистонда 2017 йил “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинган, 2017-2021 йилларда мамлакатимизни янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясига асосан оламшумул туб ўзгаришлар амалга оширилаётган бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган тил сиёсатини илмий-назарий таҳлил этиш, шундан келиб чиқсан ҳолда уни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши, хусусан, давлат тилини янада ривожлантириш, уни ҳозирги фан ва техника асрида амалиётга кенг жорий этиш, зарур ўринларда эса уни ҳимоя қилиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, ҳар бир мамлакатда тилларнинг ривожланиши ва шу мамлакат ҳудудида қўлланиши бўйича маълум стратегик йўналишлар ишлаб чиқилади. Худди шунингдек, бизнинг мамлакатимизда ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, тилларнинг ривожланиши ва қўлланиши юзасидан маълум бир йўналишлар ишлаб чиқилган.

Унга кўра, ўзбек тили – Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳисобланади ва мамлакатнинг бутун фаолияти шу тилда олиб борилади. Шу билан бирга, Ўзбекистондаги бошқа миллат ва элатларнинг тиллари ривожланишига ҳам кенг имкониятлар яратилади.

Бу сиёсатнинг хуқуқий асослари ишлаб чиқилган бўлиб, буни асосан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси; Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни; Ўзбекистон Республикасининг “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги қонуни; Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонунини амалга ошириш Давлат дастури ташкил этади.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларда тадрижий, яъни эволюцион йўл

танланганидек, тил ислоҳотида ҳам инқилобий йўл эмас, балки эволюцион йўл кўзда тутилган. Бу соҳада мустақилликнинг дастлабки йилларида танланган мақсад событқадамлик билан босқичма-босқич, узок қелажакни кўзлаган ҳолда амалга оширилмоқда.

Агар буни МДҲга кирувчи мамлакатларнинг тил соҳасида олиб бораётган сиёсатлари билан таққослайдиган бўлсак, мамлакатимизда тил сиёсатини олиб бориша адолатли, жуда ҳам оқилона, тўғри йўл танланганлигига яна бир бор амин бўлиш мумкин. Ўша йилларда айрим мамлакатларда, хусусан, Болтиқбўйи мамлакатларида тил соҳасида инқилобий йўл танланди, бу эса шу давлатда яшаётган ўзга миллат вакилларининг норозиликларига, оммавий чиқишларига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, айрим мамлакатлар, жумладан, қўшни мамлакатларимиз ўз мустақиллигининг дастлабки йилларида ўз миллий тилини давлат тили деб эълон қилишди, бироз вақт ўтгач, бу йўлдан яна орқага қайтиб, бошқа бир тилни (рус тилини) ҳам ўз мамлакатларининг расмий тили сифатида қабул қилиш йўлинни тутдилар.

Айнан шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, Ўзбекистонда олиб борилаётган тил сиёсати накадар тўғрилигини, мустақилликнинг бошида белгиланган йўналиш оғишмай, босқичма-босқич амалга оширилаётганини кўриш мумкин.

Бу давр ичida она тилимиз — ўзбек тилининг мавқеи ва эътибори янада ортди, унинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида “Ўзбек тили — Ўзбекистон Республикасининг Давлат тилидир” деб белгиланиши тилимизнинг ижтимоий ҳаётда қўлланишини, айниқса, давлат аппарати тизимидағи мавқeinи янада мустаҳкамлади, уни давлат байроби, герби, мадхияси сингари муқаддас ва буюк тимсолга айлантириди.

Шу соҳада 2016 йил 13 май куни миллий тилимизни янада тараққий этириш йўлида яна бир оламшумул қадам ташланди. Биринчи Президентимиз И.А Каримовнинг шу куни эълон қилинган “Алишер Навоий

номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони шу юртда яшаётган ватанни, миллатни севувчи ҳар бир инсонни қувонтирди. Фармонда ўзбек тилининг тарихий тараққиёти, унинг ҳозирги глобаллашув шароитида жамият маънавий ривожланишида тутган ўрни масалаларига эътибор қаратилиши халқимиз юрагининг туб-тубидаги гаплар бўлди. Шундан келиб чиқсан ҳолда юқоридаги Фармонни мамлакатимизда босқичма-босқич, изчил равишда олиб борилаётган тил сиёсатининг мантиқий давоми, керак бўлса, ўзбек миллатининг узоқ истиқболли келажагини таъминловчи, шу соҳада ҳозирги замон талабларига тўла жавоб берадиган, етук мутахассис кадрлар тайёрлаш йўлида фундаментал норматив хуқуқий ҳужжат сифатида баҳолаш мумкин. Чунки Фармонда қайд этилганидек, она тили ва адабиёт миллатнинг руҳи ҳисобланади. Она тили ва адабиёт ривожлансагина, шу миллат абадий яшайди, равнақ топади. Она тили ва адабиётнинг ривожи эса шу соҳа мутахassisларининг тайёргарлик даражасига, уларнинг ҳозирги глобаллашув шароитида миллатнинг руҳияти ва зеҳниятига қанчалик даражада ижобий таъсир эта олишига, байроқдор сифатида миллатга йўлбошли бўла олиш қобилиятига чамбарчас боғлиқ. Миллат руҳи бақувват бўлса, уни ҳеч бир куч маҳв эта олмайди. Шу маънода миллат келажагини таъминловчи шундай мутахassisлар тайёрловчи олий ўқув юртининг ташкил этилишини ўзбек миллати ва маънавияти тараққиёти йўлида қўйилган муҳим пойdevор деб баҳолаш мумкин.

Бинобарин, бугунги кунда ер юзида 6000га яқин тил мавжуд бўлиб, улар хуқуқий мақоми, жаҳон майдонида тутган ўрни, қўлланиш доирасига кўра уч тоифага, яъни: халқаро тиллар (инглиз, француз, испан, рус, араб, хитой тиллари), давлат тили (ўзбек, қозоқ, немис ва бошқа тиллар), маҳаллий тиллар (на халқаро, на давлат тили мақомига эга бўлган хакас, ненец каби тиллар) га бўлинади. Ҳар бир халқ ўз тилининг юқори поғоналарга кўтарилишини истайди. Агар маҳаллий тиллар даражасида қўлланаётган бўлса, давлат тили мақомига кўтаришга, модомики, давлат тили мақомига эга

бўлса, уни халқаро даражага қўтаришга ҳаракат қиласди, керак бўлса бу йўлда курашади.

Шу маънода она тилимиз — ўзбек тилига баҳо берадиган бўлсак, у 1989 йилгача учинчи дараждадаги, яъни маҳаллий тил даражасида бўлиб, жуда ҳам бир ғариф аҳволга тушиб қолган эди. 1989 йил 21 октябрда “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг қабул қилиниши ўзбек тилини учинчи босқичдан иккинчи босқичга кўтарди — маҳаллий тилдан давлат тили даражасига олиб чиқди. Эндиғи вазифа эса она тилимизни биринчи босқичга олиб чиқиш, яъни халқаро дараждада кенг қўлланишини таъминлашдан иборат бўлиши лозим.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда яшаётган ўзга миллат вакилларининг манфаатлари, орзу-умидларидан келиб чиқсан ҳолда бу соҳадаги тил сиёсатида ҳам тадрижий йўл танланган. Бу соҳада Биринчи Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори мамлакатимиз тараққиёти йўлида, унинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувида ўта муҳим аҳамиятга эга бўлди. Чунки бугунги кунда ўз миллатининг тараққиётини ўйлаган халқ ҳозирги глобаллашув жараёнларида ўз миллий қобиғига ўралиб ҳам, ўз миллийлигини унуган ҳолда ҳам яшай олмаслиги барчамизга аниқ. Шу маънода айтиш мумкинки, муҳтарам Юртбошимизнинг юқоридаги ҳар икки фармон ва қарорлари мамлакатимизда олиб борилаётган тил сиёсатининг изчилигини таъминлади, ўрни келганда, жамиятда тилларнинг мувозанатини, “посангি”сини белгилаб берди.

Бундан ташқари, ўзбек тилининг қўлланиш доирасини кенгайтириш, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, юриспруденция, дипломатия каби соҳаларда ўзбек тилининг мавқеини янада оширишни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этяпти. Бу муаммолар бугун йиғилиб қолган эмас, албатта. Уларнинг асосий илдизлари собиқ шўролар даврига бориб тақалади. Чунки шўролар давридаги ўзбек тилининг аҳволи ҳаммамизга маълум.

Айниқса, ўша йилларда ўзбек тилининг давлат ва жамият фаолияти билан боғлиқ жиҳатлари ниҳоят даражада аянчли ҳолатга келиб қолган эди. Тилнинг давлат фаолиятида қўлланишини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб боришга йўл берилмаган, рус тили илмий грамматикасига асосланиб яратилган илмий-тадқиқот ишларида ўзбек тилининг ички қурилиши: фонетикаси, лексикаси, грамматикаси, услубияти муаммолари ўрганилган. Тилнинг ижтимоий ҳаёт, давлат ва жамият билан боғлиқ жиҳатлари, давлат тили, унинг миллат ривожланишидаги ўрни, ўзбек тилининг дунё тиллари билан боғлиқ хусусиятлари, унинг расмий иш услуби, юридик тил ва юридик услуб, дипломатик тил ва дипломатик услуб, қонун ҳужжатларини ўзбек тилида тайёрлаш, ўзбек тили ва қонунчилик техникаси каби масалалар юзасидан илмий-тадқиқот ишлари деярли олиб берилмаган. Шу соҳада мутахассислар тайёрловчи филологик олий ўқув юртларида ёки филология факультетларида ҳам талабаларга бундай билимлар деярли берилмаган. Шунинг асорати ўлароқ бугунги кунда юриспруденция, дипломатия, ҳарбий иш каби соҳаларда ўзбек тили билан боғлиқ бир қанча муаммолар йиғилиб қолган.

Шу нуқтаи назардан биз ривожланган мамлакатларнинг юридик олий ўқув юртларида давлат тили таълими масаласига қизиқиб кўрдик. Аслида ривожланган хорижий давлатларнинг таълим тизимида бўлажак кадрларнинг тил тайёргарлигига, айниқса, давлат тилини билишига алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, АҚШнинг Чикаго ва Иллинойс университетларининг юридик факультетларида таълим олувчи ҳар бир талаба юридик тил билан боғлиқ 45 та ўқув фани, жумладан, “Нутқ ўрганишга кириш”, “Ёзма нутқ”, “Оммавий муомала нутқи”, “Сиёсий нутқ”, “Полемика асослари”, “Суд нотиқлиги” каби ўқув курсларини ўқишиади.

Буюк Британияда ҳам юристларнинг тил тайёргарлиги худди шу тарзда амалга оширилади. Швецияда эса давлат тили француз ва немис тиллари бўлгани учун бўлажак хукуқшуносларга “Юридик нутқ” фани уч йил давомида француз ва немис тилларида (иккала тилда умуммажбурий

холатда) ўргатилади. Амстердам университетининг ҳуқуқшунос талабалари голланд, инглиз, француз, немис тиллари бўйича имтиҳон топширадилар ва “Ижтимоий нутқий алоқа”, “Судда нутқ сўзлаш ва ҳақиқат муаммолари”, “Баённомалар (протоколлар) таҳлили” каби нутқни ривожлантиришга қаратилган фанлардан таҳсил оладилар.

Афсуски, собиқ шўролар даврида юридик факультетларда талабаларнинг тил тайёргарлигига эътибор берилмади. Айрим университетлардагина “Нотиклик санъати” деб номланган 12-16 соатга мўлжалланган факультатив курсни ҳисобламагандা, бошқа тил билимлари ўргатилмади.

Шунинг оқибатида бугунги кунда нафақат бизнинг мамлакатимиз, балки Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи барча собиқ иттифоқдош республикаларнинг юридик таълим тизимида юристларнинг тил тайёргарлиги юзасидан “бўшлиқ” юзага келган. Бугунги кунда бу бўшлиқни тўлдириш учун тегишли республикаларда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Россия юридик олий ўқув юртларида талабаларга “Словесность в юриспруденции (“Юриспруденцияда сўз санъати”), “Лингвокриманистика”, “Юрислингвистика”, “Суд нутқи” каби хилма-хил фанлар ўргатилмоқда.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда, бугунги кунда Тошкент давлат юридик университетида бўлажак ҳуқуқшунос кадрларнинг, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида амалиётчи юрист ходимларнинг тил тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда, ҳуқуқшуносларнинг тили ва нутқи билан боғлиқ турли ўқув курслари жорий этилмоқда. Жумладан, ҳозирда талабалар ва амалиётчи юристлар томонидан “Юристнинг ёзма нутқи”, “Қонунчилик техникаси”, “Юридик тил ва адабий тил меъёри” сингари фанлар ўрганилмоқда.

Умуман, бугунги кунда мамлакатимизни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижросини тўла таъминлаш, шу соҳада етук

мутахассислар тайёрлаш учун, бизнинг назаримизда, қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

**Биринчидан**, бу ишларни янада такомиллаштириш учун, биринчи навбатда, **ўзбек тилининг давлат органлари фаолиятида тўла қўлланишига эришиш зарур**. Мустақил давлат сифатида давлат тилида фаолият юритаётганимизга чорак аср бўлган бўлса-да, айрим муассасаларда иш юритишга оид баъзи хужжатларнинг ҳали ҳам ўзга тилларда юритилаётганини қандай баҳолаш мумкин?

Давлат тилида иш юритиш масаласи ҳақида гап кетганда, шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, **иш юритишнинг хуқуқий асослари, уни белгиловчи норматив-хуқуқий хужжатларни ҳам қайтадан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ**. Чунки мамлакатимизда иш юритиш тизимини белгиловчи асосий норматив-хуқуқий хужжатлар: “Ижро интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида”ги қарор (ЎзР ВМ, 1999 йил 12 январь 12-сонли), “Ўзбекистон Республикаси давлат хокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги қарор (ЎзР ВМ, 1999 йил 29 март 140-сонли) қабул қилинганига ҳам 18 йилдан ошди. Бу давр ичida айрим давлат органларининг фаолиятлари ўзгарди (бундан ташқари, юқоридаги ҳар икки қарорда ҳам иш юритиш тизимини асосан ёзув машинкаларида юритиш кўзда тутилган). **Шундан келиб чиққан ҳолда ва бугунги кунда электрон ҳужжат юритиш тизимиға ўтаётганлигимиз муносабати билан юқоридаги ҳар икки қарорни ҳам қайтадан кўриб чиқиб, янгидан қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.**

**Иккинчидан**, ўзбек тилини илмий-фалсафий тадқиқ этишда тилнинг давлат фаолияти ва ижтимоий ҳаёт, жамият билан боғлиқ жиҳатлари, унинг давлат тили, миллат ривожланишидаги ўрни, ўзбек тилининг дунё тиллари билан боғлиқ хусусиятлари, унинг расмий иш услуби, дипломатик услуби,

қонун хужжатларини ўзбек тилида тайёрлаш, ўзбек тили ва қонунчилик техникаси каби масалаларга тилшунос олимлар томонидан алоҳида эътибор қаратилиши керак. Бу ишларни самарали ва аниқ бир мақсадга йўналтириш учун Фан ва технологиялар агентлиги айнан шу илмий йўналишга устувор вазифа деб қараши, шундан келиб чиққан ҳолда истиқболли режалар ишлаб чиқиши қўллаб қувватлаш ва шу соҳага маҳсус грантлар ажратишга эътибор бериши лозим.

**Учинчидан,** сўнгги йилларда жаҳон илм-фани фанлараро йўналишда, яъни икки ёки ундан ортиқ фанларнинг ўзаро кесишган нуқтасида ривожланиб бормоқда. Айниқса, тилшунослик маҳсус соҳаларга ихтисослаштирилган ҳолда «Социолингвистика», «Юрислингвистика», «Лингвоқриминалистика», «Психолингвистика», «Математик лингвистика», “Компьютер лингвистикаси” каби фанлар ривожланиб бормоқда. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан айнан шу илмий йўналишларга устувор соҳа сифатида қаралиши, янги ташкил этилган олий ўқув юрти олимлари эса юқорида таъкидланган илмий йўналишларга алоҳида эътибор беришлари, зарур бўлса, бошқа соҳа олимлари (хукуқшунос, сиёsatшунос, дипломат, иқтисодчи каби) билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва улар томонидан бу соҳада кўплаб илмий-тадқиқот ишлари яратилиши мақсадга мувофиқдир.

**Тўртинчидан,** юқоридаги муаммоларни ҳал этиш механизмини танлашда фан, таълим ва амалиёт бирлигига алоҳида эътибор қаратиш керак. Бу ўринда тиббиёт олий ўқув юртларининг тажрибасидан фойдаланиш мумкин. Тиббиёт олий ўқув юртларида талаба куннинг биринчи ярмида назарий билимларни ўзлаштириб, куннинг иккинчи ярмида ўзлари бириктирилган шифохона ва тиббий бўлимларда ўз малакаларини оширадилар. Худди шунга ўхшаш тизимни янги ташкил этилган университетда ҳам йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун талабаларнинг хоҳиш-қизиқишлири ва қобилияtlаридан келиб чиққан ҳолда, улар Ўзбекистон Республикаси ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти бўлимларига бириктирилиши керак. Бу ерда тажрибали олимлар

рахбарлигига юқоридаги йўналишлар бўйича илмий ишланмалар, илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилиши, электрон ўқув қўлланмалар, ўзбек тилини ҳаётда янада кенг ва қулай қўллаш учун ҳозирги замон талабларидан келиб чиқсан ҳолда турли маҳсус компьютер дастурлари ишлаб чиқилиши лозим.

**Бешинчидан**, XXI асргача тил асосан ахборотни етказиш вазифасини бажарган бўлса, бугунги кунда халқаро ҳаётда ахборотни қандай етказиш масаласи ниҳоятда муҳим аҳамият касб этиб боряпти. Ҳозирда айнан бир ҳодисани тингловчига турлича етказиш, шу йўл билан уни ишонтириш, бу орқали ўз ғояларини бошқаларга сингдириш ва жаҳон сахнасида ўз ҳукмронлигини ўтказиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шундан келиб чиқсан ҳолда олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида талабаларга соф филологик билимлардан ташқари нутқ маданияти, нотиқлик санъати каби билимларни мукаммал даражада ўргатиш мақсадга мувофиқ.

**Олтинчидан**, ўзбек тилини ўзга миллат вакилларига, хусусан, хорижликларга қиска муддат ичида интенсив ўргатишнинг амалий методикасини ишлаб чиқиш керак. Бунда ўзбек тили бўйича ҳозирги замон ахборот ва коммуникация тизимлари асосида турли ўзи ўргатадиган электрон дарсликлар тайёрлашга ва маҳсус ихтисослашган веб-саҳифаларга, дистанцион таълимга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Шу йўл билан ўзбек тилини ўрганмоқчи бўлган хорижликлар учун ўз мамлакатида туриб тил ўрганиш имкониятини яратиш лозим.

**Еттинчидан**, ўтган давр ичида ўзбек луғатшунослиги соҳасида ҳам анча ишлар қилинди. Ўзбек миллий энциклопедияси сингари кўплаб изоҳли луғатлар, деярли барча фан соҳаларида бир қанча икки ва уч тилли терминологик луғатлар яратилди. Ўз Р ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ходимлари томонидан ўзбек тилининг кўп жилдли изоҳли луғати тузатилган ҳолда қайта нашрга тайёрланди.

Эндилиқда бу ишларни замонавий ахборот ва коммуникация технологияларига кўчириш, шу соҳадаги илфор ривожланган тиллар тажрибаларидан келиб чиқсан ҳолда амалга ошириш зарур.

Ўзбек луғатшунослиги ва таржима ишлари ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда, қонунларимизни Европа ва Шарқ тилларига таржима қилишга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун юридик таржима назарияси ва амалиёти бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш керак. Бу жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, бошқа мамлакатлар билан иқтисодий, маданий, сиёсий алоқаларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

*Саккизинчидан, “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешига устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да таъкидланганидек, давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик даражасини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, ҳалқ билан мулоқотнинг самарали механизмларини жорий этиш; жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шаклларини ривожлантириш, жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содик, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш вазифалари маълум маънода мамлакатимизнинг барча таълим бўғинларида давлат тилини ўқитишни ҳам қайта кўриб чиқиши тақозо этади. Чунки бугунги кунда мактаб, академик лицей ва коллежларда асосан ўзбек тилининг ички қурилиши (фонетика, лексика, грамматика каби) билан боғлиқ билимлар берилмоқда, олий ўқув юртига кириш тест синовларида ҳам она тилидан асосан ўта грамматикалашган саволлар берилмоқда. Натижада ёшларимизда оғзаки ва ёзма нутқ масалалари сусайиб боряпти. Шунинг учун ўрта ва ўрта маҳсус таълим тизимиға нутқни қандай ифодалаш, нутқ маданияти, нотиқлик санъати каби билимларни ҳам киритиш ва иншо ёзиш амалиётига алоҳида эътибор бериш керак.*

Бундан ташқари, олий таълим тизимида, айниқса, нофилологик олий ўқув юртларида тайёрланаётган мутахассисларнинг давлат тилини мукаммал даражада эгаллашига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бугунги кунда нофилологик олий ўқув юртларида ўзбек тилини ўқитиш амалиёти

фақатгина русийзабон талабаларга таълим бериш билан чекланади, холос. Миллий гурухларда она тили бўйича ҳеч қандай фан ўқитилмайди. Натижада талаба эртага бу олий даргоҳни битириб, бирор муассаса ёки корхонага боргандан кейин ўз фикрини аниқ ифодалашда, ўз соҳасига оид ҳужжатларни тўлдиришда қийналади. Ваҳоланки, бугунги кунда тилнинг ижтиомий функциясига қўшимча вазифалар юкланиб, кимнинг нутқи зўр бўлса, унинг ғоялари амалга ошади. Бугунги давлатлараро, ҳалқлар ўртасидаги ўзаро устунлик сўз ва нутқ воситасида амалга оширилмоқда.

**Шунинг учун ривожланган хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда мамлакатимиздаги барча нофилологик олий ўқув юртларида давлат тилини ўқитиш тизимини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.**

**Бизнинг фикримизча, нофилологик олий ўқув юртларида давлат тилини ўқитиш тизими қўйидаги уч босқичга асосланиши лозим:** биринчи босқичда — биринчи курсда русийзабон талабаларга ўзбек тили ўқитиши; иккинчи босқичда — иккинчи ва учинчи курсларда миллий гурухларда “Мутахассислик тили”, “Касбий нутқ маданияти”, “Ихтисослик ҳужжатларини тузиш асослари”; учинчи босқичда — магистратурада “Касбий нотиқлик санъати” каби ўқув курсларини жорий этиш. Талабалар бакалавриатуруни битираётганда ўзбек тили бўйича давлат имтиҳонини (аттестациясини) йўлга қўйиш зарур бўлади.

Умуман олганда, мустақилликдан кейин ўтган 26 йил ичida тил сиёсатида мамлакатимизда яшовчи барча ҳалқларнинг миллатлараро тотувлигига, бир-бирини ўзаро тушунишига эришдик. Ҳар бир миллат ўз она тилига давлат томонидан ғамхўрлик қилинаётганига қатъий амин бўлди.

**Назаримизда, эндиғи вазифа Ўзбекистонда Давлат тилини ҳаётга тўла жорий этишни янада такомиллаштириш мақсадида “Давлат тили ҳақида”ги қонунни янгидан ишлаб чиқиш ва унинг лойиҳасини ҳалқ мухокамасини қўйиш, билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқсан ҳолда қабул қилиш мақсадга мувофиқ.** Чунки амалдаги Давлат

тили ҳақидаги қонун кўпроқ кўпроқ деклоратив характерда бўлиб, қонун бузилган ҳолатларда жавобгарлик белгиланмаган. Шунинг учун ҳам у ўтган йиллар давомида жуда суст бажарилди.

**“Давлат тили ҳақида”ги қонун янгидан қабул қилингандан кейин уни ҳаётга жорий этиш механизмини шакллантириш лозим. Бунинг учун ҳозирги замон талабларидан келиб чиқсан ҳолда истиқболли маҳсус давлат дастури ишлаб чиқилиши лозим. Унда мамлакатимизда келажакда (камида кейинги 20 йилда) тилларнинг ривожланиш стратегияси, давлат тилини нафақат мамлакатимиз доирасида, балки ҳалқаро даражада янада ривожлантириш, ёзув ва имло, лотин алифбосини жорий этиш механизмларини такомиллаштириш, давлат тилида электрон иш юритиш каби масалалар тўла қамраб олиниши зарур бўлади.**

Ўз навбатида, бунда бу масалаларни республика миқёсида мувофиқлаштириб борувчи маҳсус давлат органига эҳтиёж сезилади. Шунинг учун мустақиллигимизнинг дастлабки йилларда Вазирлар Маҳкамаси қошида фаолият юритган “Атамашунослик қўмитаси”га ўхшаган давлат органини ташкил этиш лозим. Мазкур органга “Давлат тили ҳақида”ги қонун ва Давлат дастурининг ижросини мувофиқлаштириш масъулиятини тўла юклаш зарур ва бунинг учун унга шу соҳада кенг ваколатлар берилиши, унинг фаолиятини бугунги кун талабларидан келиб чиқсан ҳолда, ахборот технологияларига асосланган янги замонавий тизим асосида йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.